

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МИРЗАЕВА ГУЛНАРА САИДАРИФОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН УРБАНЛАШГАН ҲУДУДЛАРИНИНГ КСИЛОФАГ
ҲАШАРОТЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Мирзаева Гулнара Саидарифовна

Ўзбекистон урбанлашган худудларининг ксилофаг
ҳашаротлари..... 3

Мирзаева Гулнара Саидарифовна

Насекомые ксилофаги урбанизированных территорий Узбекистана 29

Mirzaeva Gulnara Saidarifovna

Insects of xylophages of urbanized territories of Uzbekistan 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 57

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МИРЗАЕВА ГУЛНАРА САИДАРИФОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН УРБАНЛАШГАН ҲУДУДЛАРИНИНГ КСИЛОФАГ
ҲАШАРОТЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/B113 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.zoology.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий консультант: **Холматов Бахтиёр Рустамович**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Кимсанбоев Хужамурот Хамракулович**
биология фанлари доктори, профессор

Хуррамов Алишер Шукурович
биология фанлари доктори, доцент

Зокиров Исломжон Илхомжонович
биология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Миллий университети**




Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.B.52.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «20» декабр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси 232б-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+998) 71-289-04-65; факс: (998) 71-289-10-60; E-mail: zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 41 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси 232б-уй. Тел.: (+998) 71-289-04-65.

Диссертация автореферати 2021 йил «07» декабр куни тарқатилди.

(2021 йил «07» декабрдаги 12-рақамли реестр баённомаси).




Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор, академик

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., профессор

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида аҳоли сонининг тез суръатлар билан ортиши, табиий экотизимларнинг кучли ўзлаштирилиши, жамият ва табиат ўртасидаги динамик мувозанатнинг бузилиши оқибатида ксилофаг ҳашаротлар табиий ҳудудлардан урбанлашган ҳудудларга ўтиб, аҳоли турар жой биноларида, ижтимоий соҳа объектлари ва стратегик объектларда ёғоч маҳсулотлари ва ёғоч конструкция қурилмаларига жиддий зарар келтирмоқда. Айниқса, маданий мерос объектларининг ёғоч конструкциялари ҳамда ноёб халқ амалий санъати дурдоналари ҳисобланган ёғоч ўймакорлиги ишланмаларига ксилофаг ҳашаротлар иқтисодий жиҳатдан катта зарар келтириб, баъзи ҳолларда таҳликали вазиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шунга кўра, ксилофаг ҳашаротларнинг тур таркибини айнан урбанлашган ҳудудлардаги уларнинг яшаш муҳити билан боғлиқ ҳолда аниқлаш, морфологик ўхшаш турларини молекуляр генетик таҳлил қилиш, асосий зараркунандаларининг биологияси ва экологиясини тадқиқ этиш жараёнида фақат уларгагина хос бўлган хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда зараркунанда турларига қарши замонавий кураш усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда ксилофаг ҳашаротлар фаунасини баҳолаш, турли омиллар таъсирида уларнинг табиий ва урбанлашган ҳудудларда тарқалишини аниқлаш ҳамда ксилофаг ҳашаротларга қарши кураш стратегиясини ишлаб чиқишда нафақат зараркунандаларни йўқ қилишга, балки уларнинг ёғочга зарар етказишининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан ксилофаг ҳашаротлар фаунасини тадқиқ этиш, тарқалиш ареалларини хариталаштириш, биотоплар бўйича тақсимланишини асослаш, зараркунанда ксилофаг ҳашаротларни молекуляр генетик жиҳатдан таҳлил қилиш, уларга қарши замонавий кураш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда ёғочни ксилофаг ҳашаротлар томонидан зарарланишини олдини олиш технологияларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда ҳашаротлар биоҳилма-хиллигини аниқлаш ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда зарарли турларига қарши курашиш чора тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, ҳудудлар кесимида муҳим турларнинг таксономик таркиби аниқланди, Жанубий Оролбўйи ксилофаг ҳашаротлари фаунаси инвентаризация қилинди ҳамда доминант зараркунанда турларига қарши биологик ва кимёвий кураш чоралари такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «... экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда ҳашаротларнинг халқ хўжалиги объектларига таъсирини олдини олиш усулларини такомиллаштириш»

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, республикамизнинг урбанлашган ҳудудларида ксилофаг ҳашаротларнинг тур таркиби ва таксономик структурасини аниқлаш, ёғочни асосий зараркунандаларининг биоэкологик хусусиятларини тадқиқ қилиш, доминант зарарли турларининг из феромони хусусиятларини аниқлаш ва морфологик ўхшаш турларини молекуляр генетик жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда ёғоч конструкцияларни ксилофаг ҳашаротлардан ҳимоя қилишнинг чора тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 февралдаги 27-сон «Республикада термитларга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш ва уларнинг зарарини бартараф қилиш тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 28 декабрдаги 1027-сон «Табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавкулудда вазиятлар мониторинги, ахборот алмашинуви ва прогнозлаш ягона тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва 2019 йил 4 сентябрдаги 725-сон «Республикада термитларга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш ва уларнинг зарарини бартараф қилиш тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларини амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Ксилофаг ҳашаротлар систематикаси, фаунистик таҳлили, биоэкологик хусусиятлари, морфологияси, тарқалиши ва зарари, популяциясининг глобал ўзгариши, термитларга қарши курашда микроорганизмларнинг роли, термитларнинг симбиотик муносабатлари, ГАТ (географик ахборот тизими) ёрдамида ксилофаг ҳашаротларни хариталашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим мауссасалари, жумладан, Zoologisches Institut, Univerzitat Gottingen (Germany), University of Florida (USA), Kangwon National University (South Korea), New Orleans (USA) Зоология институти (Россия), Москва давлат университети (Россия), Зоология институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Ксилофаг ҳашаротларининг таксономияси, экологияси, физиологияси, тарқалиши ва зарари ҳамда уларга қарши кураш масаласига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ксилофаг ҳашаротларнинг ёғочда уя камералари ва

²Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, www.dissercat.com, [researchget.com](http://www.researchget.com), <http://www.fundamental-research.ru>, www.webofscience.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

ундаги симбиоз замбуруғларнинг аҳамияти аниқланган (Zoologisches Institut, Univerzitat Gottingen, Germany), ксилофаг ҳашаротларни тузоқлар ёрдамида мониторингини юритиш чоралари ишлаб чиқилган (New Orleans (USA), урбанлашган ҳудудларда ксилофаг ҳашаротларнинг зарари ва тарқалишини таҳлил қилиш учун географик ахборот тизимлари аҳамияти исботланган (University of Florida, USA), гексафлумурон ва хлорфлуазурон таъсир этувчи моддалари асосида термитларга қарши кураш усуллари ишлаб чиқилган (University of Florida, USA), табиатда моддалар алмашинувида ксилофаг ҳашаротлар метаболизмининг роли аниқланган (Москва давлат университети, Россия).

Дунёда ксилофаг ҳашаротларга қарши кураш ва улар зарарини бартараф этиш бўйича қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ксилофаг ҳашарот турларини дифференциялашда молекуляр генетик усулларни ишлаб чиқиш; ксилофаг ҳашаротларга қарши курашда янги, атроф муҳит учун зарарсиз ва юқори самарали фунгицид препаратларни излаш ва уларни уларни қўллашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш; ксилофаг ҳашаротлар миқдорини бошқаришда биологик препаратларни такомиллаштириш ва зарарланиш ҳолатини доимий назарот қилувчи тизим ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ксилофаг ҳашаротлар тур таркибини аниқлаш, ДНК-штрих кодлаш ва уларнинг тарқалиш ареалларини хариталаштириш ҳамда популяцияларини назорат қилишда ГАТ тизимини ишлаб чиқиш борасида хорижлик олимлар: D.Paul (2003), Q.Xiao ва бошқ. (2005), P.Mirchev ва бошқ. (2016), M.Zhiyanski ва бошқ. (2017), ва МДҲ мамлакатларида Д.П.Жужиков (1979), М.С.Гиляров (1990), А.И.Воронцов (1995), Тарасова О.В ва бошқ. (2019) ва бошқа олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Марказий Осиёда тарқалган ксилофаг ҳашаротлар фаунаси, таксономияси ва экологиясига оид маълумотлар Б.М. Мамаев (1960, 1976), Н.Б.Неволина (2006), И.Н. Тоскина (2007), Р.Ю. Дудко (2009), Р.Х.Кадырбеков (2014), А.М. Тлеппаева (2013), С.В. Нестеренко (2014), А.У.Габдуллина (2016) ва Н.А. Алешо (2019) ишларида акс эттирилган.

Ўзбекистонда ксилофаг ҳашаротлари тур таркиби, систематикаси А.А.Бекузин (1968), Р.А. Алимджанов (1974), А.С Исаев (1975) ва Н.Э.Эргашев (1982) ишларида қайд этилган. Зарарли турларига қарши кураш чоралари А.А. Нуржанов (1989), Н.И.Лебедева (2005) ва Т.И. Жугинисов (2007, 2021) ишларида акс этган. Термитларнинг биологияси, морфологияси ва уларга қарши кураш чоралари борасида А.Ш. Хамраев (2008), И.И.Абдуллаев (2002, 2016), Б.Р. Холматов (2011, 2019), З.А. Ганиева (2018) ва Қ.Ж. Рустамов (2021) ишларида келтирилган. Шунингдек, Зоология институти (Ўзбекистон)да тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бироқ, юқоридаги тадқиқот ишлари Ўзбекистон урбанлашган ҳудудида ксилофаг ҳашаротларнинг тур таркиби, тарқалиши ҳақида тўлиқ маълумотлар бера олмайди. Шунга кўра, ксилофаг ҳашаротларнинг келиб

чиқиш ўчоқларини асослаш, фаунасининг тур таркиби ва таксономик структурасини аниқлаш ҳамда зарарли турларига қарши атроф-муҳит учун экологик безарар кураш усулларини амалиётга тадбиқ этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Зоология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф5-ФА-0-14830 “Ксилофаг ҳашаротлар комплекси популяция экологияси, функцияси ва уларнинг мосланганлик механизмларини тадқиқ этиш” (2012-2016), ПЗ-20170927149 “*Anacanthotermes* авлоди термитларига қарши янги “Antitermit” ем-хўраги ва кураш усулларини ишлаб чиқиш” (2018-2020) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон урбанлашган ҳудудлари ксилофаг ҳашаротларининг тур таркиби, биоэкологиясини аниқлаш ҳамда асосий зараркунандалар популяция миқдорини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистоннинг урбанлашган ҳудудида ксилофаг ҳашаротларнинг тур таркиби ва таксономик структурасини аниқлаш;

Ёғочнинг асосий зараркунандаларини биоэкологик хусусиятларини асослаш;

Anacanthotermes авлоди термитларининг из феромони хусусиятларини очиқ бериш;

Anacanthotermes авлоди термитларини молекуляр генетик жиҳатдан тадқиқ этиш;

Ёғоч турларининг ксилофаг ҳашаротлар томонидан зарарланишига чидамлилиқ даражасини аниқлаш;

Ёғоч конструкцияларни ксилофаг ҳашаротлардан химоя қилишнинг чора тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистоннинг урбанлашган ҳудудларидаги ксилофаг ҳашаротлар ва улар билан боғлиқ ёғоч материаллари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистоннинг урбанлашган ҳудудларида ксилофаг ҳашаротларнинг фаунаси, экологик хусусиятлари, молекуляр генетик таҳлили, кимёвий алоқалари, биохилма-хиллиги ва уларнинг зарарли фаолиятини бошқаришда янги кимёвий препаратлар ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда энтомологик, молекуляр генетик, экологик ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистоннинг урбанлашган ҳудудларида ксилофаг ҳашаротлар фаунасининг замонавий ҳолати таҳлил қилиниб, 8 туркум 16 оила 26 авлодга мансуб 27 тури аниқланган;

Ўзбекистоннинг урбанлашган ҳудудларида қайд этилган *Myrmecophilus acervorum* (Panzer, 1799), *Orosanga japonica* (Melichar, 1898) ва *Cacotemnus rufipes* (Fabricius, 1792) ксилофаг ҳашарот турлари Ўзбекистон фаунаси учун биринчи бор аниқланган;

Ўзбекистонда илк бор ксилофаг ҳашарот сифатида пардақанотлилар Нүменоптера туркуми, Антофоридлар - Anthophoridae оиласига мансуб, *Anthophora uljanini* Fedtschenko, 1875 тури қайд этилиб, унинг ривожланишининг тухум, личинка ва ғумбаклик даври ёғочда ривожланиши аниқланган;

Anacanthotermes авлодига мансуб *A. turkestanicus* ва *A. ahngerianus* термитлар турлари из феромонининг (концентрацияси, муҳит ҳарорати, сақлаш муддатлари ҳамда термит табақалари ва турига боғлиқлиги) хусусиятлари илк бор очиб берилган;

A. turkestanicus ва *A. ahngerianus* турларини солиштиришда бир бирига яқин турларни мутацияси ва филогениясига жавоб берадиган иккита генетик маркер: ядро ичида транскрипцияланган рДНК генларининг (18S+ITS1+5.8S+ITS2+28S) соҳалари ва мДНК ни СОІ соҳаси нуклотидлар кетма-кетлиги ўрганилган ва олинган натижалар асосида алоҳида тур эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг урбанлашган ҳудудларида ёғоч конструкцияларга кучли зарар етказадиган энг кўп миқдорда учрайдиган ксилофагларнинг 7 турини хўжалик аҳамияти очиб берилган;

Anacanthotermes термитларини идентификация қилишга имкон берувчи махсус праймер яратилиб, келгусида *Anacanthotermes* авлоди турларини ПЗР-диагностикаси ишларида фойдаланиш имконияти ишлаб чиқилган;

Турар жой биноларини ксилофаг ҳашаротлардан ҳимоялаш мақсадида зичлиги 540 кг/м³ дан юқори бўлган ёғоч турларидан фойдаланиш исботланган;

Anacanthotermes авлодига мансуб термитларга қарши курашда Эмамекс, 5% с.э.г., Мерган, 6,6 % м.с. ва Нестор, 20% н.к. препаратлари термитлар учун юқори биологик самарадорликка эга эканлиги аниқланган ҳамда келгусида «Antitermit» ем хўраклари ишлаб чиқаришда фойдаланиш усуллари очиб берилган;

Термитларга қарши ем хўрақларда қўлланилган ерёнғоқ қобиғи кунгабоқар пояларига нисбатан термитлар томонидан 8,6% га кўп миқдорда озикланиши қайд этилиб, ем хўрак ишлаб чиқаришда қўллаш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Зараркунанда ксилофаг ҳашаротларга қарши тарихий ёдгорликлар, музей мажмуалари ва нотураржой биноларда кимёвий препаратлардан Фостоксин, 56%, Фосфинал, 56%, Магтоксин, 66% ларни 2 м³ га 1-2 таблеткадан қўллаш ва Циперфос 55% препаратининг 0,5% концентрацияда сингдириш усулларини қўллаш юзасидан комплекс тарзда ҳимоя қилиш чора тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда классик ва замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, морфометрик маълумотларни Biostat дастурида статистик таҳлил қилинганлиги, олинган нуклеотидлар кетма-кетлигини BioEdit, Clustalx, Mega6, Genedoc, Paup4, Geneious дастурлари асосида таҳлил қилинганлиги ва амалий натижаларни ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг урбанлашган ҳудудларида ксилофаг ҳашаротлар фаунасини таҳлил қилинганлиги ва улар тарқалишининг замонавий ҳолати баҳоланганлиги, янги таксономик бирликлар қайд қилинганлиги, биологик хилма-хиллигига ва ҳаёт шаклларига асосан тавсифланганлиги, ксилофаг ҳашаротларининг тарқалишини мониторинг қилинганлиги ҳамда жуда кўп тарқалган турларни рўйхати тузилганлиги, баҳсли турларнинг молекуляр генетик жиҳатдан аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистоннинг урбанлашган ҳудудларида ксилофаг ҳашаротларнинг асосий зараркунанда турларининг хўжалик аҳамияти очиб берилганлиги, зараркунанда ксилофаг ҳашаротларга қарши тарихий ёдгорликлар, музей мажмуалари ва нотураар жой биноларда кимёвий препаратлардан Фостоксин, 56%, Фосфинал, 56%, Магтоксин, 66% ларни 2 м³ га 1-2 таблеткадан қўллаш ва Циперфос 55% препаратининг 0,5% концентрацияда сингдириш усули юзасидан комплекс тарзда ҳимоя қилиш чоралари ишлаб чиқилганлиги, тавсия этилган янги кимёвий препаратлар ва алтернатив озуқа субстрати ёрдамида термитларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон урбанлашган ҳудудларининг ксилофаг ҳашаротлари бўйича олинган илмий натижалари асосида:

Ўзбекистон урбанлашган ҳудудларида тарқалган ксилофаг ҳашаротларнинг 8 туркум 16 оила 26 авлодга тегишли 27 турига мансуб 135 нусха ҳашарот намуналари республикада етакчи бўлган Зоология институти “Зоология коллекцияси” ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 27 октябрдаги 4/1255-2959-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар республиканинг урбанлашган ҳудудлари бўйича ксилофаг ҳашаротлар фондини бойитган ва улар популяциялари тарқалишининг замонавий ҳолатини баҳолаш ҳамда интерфаол атласлар тайёрлаш имконини берган;

молекуляр генетик тадқиқотлар натижасида *Anacanthotermes* авлоди термит турларининг рДНК ва мДНК (COI) соҳаси нуклеотидлар кетма-

кетлиги бўйича маълумотлар Биотехнологик ахборотлар миллий маркази (NCBI) базасига жойлаштирилган (Биотехнологик ахборотлар миллий маркази (NCBI) нинг 2021 йил 28 октябрдаги маълумотномаси). Натижада, *A. ahngerianus* тури учун - ОК668213, ОК668214; *A. turkestanicus* тури учун - ОК668391, OL273374 идентификация рақамлари олинган ва улар халқаро миқёсда турларни аниқлаш ва филогениясини ўрганиш имконини берган;

ксилофаг ҳашаротларнинг биологияси, экологияси ва заракуанда турларига оид илмий натижалар асосида яратилган «Ҳашаротлар экологияси» номли дарслик олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига киритилган бўлиб, мазкур дарслик 5140100 - Биология, 5630100 - Экология ва атроф муҳит муҳофазаси, 5410300 - Ўсимликлар ҳимояси ва карантини бакалавриат таълим йўналиши ҳамда магистратура мутахассисликлари ўқув жараёнига жорий этилган (Гувоҳнома, №507-047). Натижада, республикамизда ксилофаг ҳашаротларнинг тур таркиби, фаунаси, биологияси ва экологияси, ландшафтларда тарқалиши, зарарли турларини сонини бошқариш юзасидан олинган маълумотлар фанлар мазмунини такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 66 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан 3 та монография, 6 та тавсиянома ва ЎзР ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола (17 та республика ва 3 та хорижий журналларда), 30 та тезис халқаро ва маҳаллий анжуманларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация иши кириш, етти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 212 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, усуллари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ксилофаг ҳашаротларнинг ўрганилганлик тарихи**» деб номланган биринчи боби уч бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлими Марказий Осиё ва МДХ мамлакатларида ксилофаг ҳашаротлар фаунаси, зарарли турларга доир тадқиқот натижалари ва чоп қилинган

адабиётлар таҳлили келтирилган. Бобнинг иккинчи бўлимида ксилофаг ҳашаротлар биологияси ва экологияси бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари кам эканлиги, ксилофаг ҳашаротлар кенг доирада ўрганиш кераклиги очиқ берилган. Бобнинг учинчи бўлимида ксилофаг ҳашаротларга қарши кураш ва улардан ёғоч конструкцияларини ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш борасида шу давргача олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари келтирилган.

Диссертациянинг **«Ўзбекистоннинг урбанлашган ҳудудларидаги ксилофаг ҳашаротларни ўрганиш услублари ва материаллари»** деб номланган иккинчи бобида, тадқиқот усул ва материаллари акс эттирилган. Ксилофаг ҳашаротларни тадқиқ қилиш ишлари 2010-2021 йиллар давомида олиб борилган. Уларнинг фаунасини аниқлаш учун материаллар йиғиш юзасидан тадқиқотлар белгиланган стационар майдон ва маршрутлар бўйича ўтказилган.

Ксилофаг ҳашаротлар мониторинги 2010-2021 йилларда республиканинг 5 ҳудуди (шарқий: Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари; шимоли-шарқий: Тошкент шаҳри, Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари; жанубий: Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари, марказий: Бухоро, Самарқанд ва Навоий вилоятлари ва шимоли-ғарбий: Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси)да жойлашган иншоотлар ва аҳоли турар жой бинолари, маданий ва тарихий обидалар, маъмурий ва стратегик объектларнинг ёғоч конструкцияларидан ва қуриган дарахтлардан ксилофаг ҳашарот намуналари йиғилди. Ҳашарот намуналарини йиғиш, уларнинг таксономик ҳолатини аниқлаш ва коллекция намуналарини тайёрлаш тегишли усулларда олиб борилди (Якобсон, 1932, Плавильщиков, 1940, Ильинский, 1948, Мамаев, Медведев, Правдин, 1976, Клюге, 2000, Pearce, 2000, Ижевский, 2005 ҳамда Тоскина, Проворова 2007). Тадқиқот ишлари давомида личинка ва имаго ҳолатидаги 40 мингдан ортиқ ҳашарот намуналарини йиғиб ўрганилди.

Молекуляр генетик тадқиқотлар Diatom DNA Prep фирмаси тўплами ёрдамида ДНК ажратиш, полимераза занжирли реакция (ПЗР) - амплификация ва агароза гелида электрофорез усуллари асосида амалга оширилган.

Диссертациядаги олинган маълумотларнинг математик статистик таҳлили «Microsoft Excel» дастури ёрдамида ва статистик ишлови Г.Ф. Лакин (1990) методи асосида амалга оширилди.

Диссертациянинг **«Ўзбекистоннинг урбанлашган ҳудудларида ксилофаг ҳашаротларининг тур таркиби ва таксономик тавсифи»** деб номланган учинчи бобида тадқиқот натижасида йиғилган ҳар бир турнинг тарқалиши, таксономик ўрни ва тақсимланиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ўзбекистоннинг урбанлашган ҳудудида ксилофаг ҳашаротларнинг 8 туркум 16 оила 26 авлодга мансуб 27 тури тарқалганлиги биринчи бор қайд қилинди (1-жадвал).

**Ўзбекистоннинг урбанлашган худудларида ксилофаг
хашаротларининг тур таркиби ва таксономик тақсимланиши**


Туркум	Оила	Авлод сони	%	Тур сони	%
Collembola	Poduridae	1	3,85	1	3,70
Zygentoma	Lepismatidae	1	3,85	1	3,70
Blattodea	Hodotermitidae	1	3,85	2	7,41
Orthoptera	Myrmecophilidae	1	3,85	1	3,70
Hemiptera	Ricaniidae	1	3,85	1	3,70
	Aradidae	1	3,85	1	3,70
Coleoptera	Histeridae	1	3,85	1	3,70
	Cetoniidae	1	3,85	1	3,70
	Elateridae	1	3,85	1	3,70
	Anobiidae	4	15,38	4	14,81
	Ptinidae	1	3,85	1	3,70
	Cerambycidae	5	19,23	5	18,52
	Eucnamidae	1	3,85	1	3,70
Hymenoptera	Apidae	2	7,69	2	7,41
	Megachilidae	3	11,54	3	11,11
Diptera	Stratiomyidae	1	3,85	1	3,70
8	16	26	100	27	100

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Coleoptera туркумининг Histeridae, Cetoniidae, Elateridae, Ptinidae ва Eucnamidae оилаларининг ҳар бирига 1 тадан авлодга мансуб 1 тадан тур, Anobiidae оиласига 4 авлодга мансуб 4 та тур ва Cerambycidae оиласининг 5 авлодга мансуб 5 тури ўрганилган худудларда тарқалганлиги аниқланди. Blattodea туркумининг Hodotermitidae 1 авлодга мансуб иккита тури, Hymenoptera туркумининг Apidae оиласининг 2 авлод икки тури ҳамда Megachilidae оиласининг 3 та авлодга мансуб 3 та тури мавжудлиги аниқланди. Collembola туркумининг Poduridae оиласининг 1 та авлодга мансуб 1 та тур, Zygentoma туркумининг Lepismatidae оиласининг 1 та авлодга мансуб 1 та тур, Orthoptera туркумининг Myrmecophilidae оиласининг 1 та авлодга мансуб 1 та тур, Diptera туркумининг Stratiomyidae оиласининг 1 та авлодга мансуб 1 та тур, Hemiptera туркуми Ricaniidae оиласининг 1 та авлодга мансуб 1 та тур ва Aradidae оиласининг 1 та авлодга мансуб 1 та тур ўрганилаётган худудда тарқалганлиги аниқланди.


Изланишлар жараёнида Ўзбекистоннинг урбанлашган ҳудудларида аниқланган *Myrmecophilus acervorum* (Panzer, 1799), *Orosanga japonica* (Melichar, 1898) ва *Cacotemnus rufipes* (Fabricius, 1792) ксилофаг ҳашарот турлари Ўзбекистон фаунаси учун биринчи бор кўрсатилди.

Ксилофаг ҳашаротлар авлодлари миқдорининг оилалар бўйича тақсимланишини таҳлил қилиниш маълумотларига эътибор берилса, жами 26 та авлоднинг 19 % *Cerambycidae* оиласига мансуб эканлигини кўрамыз.

Шунингдек, *Anobiidae* оиласи авлодларининг улуши 15 %, *Megachilidae* оиласи авлодларининг улуши 12 %, *Apidae* оиласи авлодларининг улуши 8 % га тенг. *Poduridae*, *Lepismatidae*, *Hodotermitidae*, *Myrmecophilidae*, *Ricaniidae*, *Aradidae*, *Histeridae*, *Cetoniidae*, *Ptinidae*, *Eucnamidae*, *Stratiomyidae* ҳар бирининг улуши эса 4 % ташкил қилади (1-расм).



1 - расм. Ўзбекистоннинг урбанлашган ҳудудларида ксилофаг ҳашаротлар авлодлар миқдорининг оилалар кесимида тақсимланиши



2 - расм. Ўзбекистоннинг урбанлашган ҳудудларида ксилофаг ҳашаротлар турлар миқдорининг оилалар кесимида тақсимланиши

Ксилофаг ҳашаротлар турлари миқдорининг оилалар бўйича тақсимланиши натижаларига асосан, турлар сони бўйича табиий равишда *Cerambycidae* оиласи турлар улуши энг кўп миқдорда бўлиб, 19 % ини ташкил этади. *Anobiidae* оиласи турларининг улуши 15 %, *Megachilidae* оиласи турларининг улуши 11 %, *Hodotermitidae* ва *Apidae* оиласи турларининг улуши 7 % га тенг. Қолган 11 та оилалар тур миқдори *Poduridae*, *Lepismatidae*, *Myrmecophilidae*, *Ricaniidae*, *Aradidae*, *Histeridae*, *Cetoniidae*, *Ptinidae*, *Eucnamidae*, *Stratiomyidae* ҳар бирининг улуши эса 4 % ташкил қилади (2 - расм).


Ўзбекистоннинг урбанлашган ҳудудларида ксилофаг ҳашаротларнинг таксономик биологик хилма-хиллигини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлили кўрсатдики, бу гуруҳ таксономик нуқтаи назардан жуда хилма-хил бўлиб, уларнинг йирик таксонлари турлар сони бўйича энг турларга бой (14 тур, 51,9 %) бўлган *Coleoptera* туркуми ва шу туркумга мансуб 18,5 % турларни бирлаштирган *Cerambycidae* оиласининг турларга бойлиги ҳамда хилма-хилиги билан ажралади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Ксилофаг ҳашаротларни асосий зараркунанда турларининг экологик хусусиятлари» деб номланган бўлиб, боб учта бўлимдан иборат. Ёғоч-тахтанинг зараркунанда ксилофаг ҳашаротларини урбанлашган ҳудудларда ўрганиш устида мамлакатимиз шароитида илк бор тадқиқотлар олиб борилди. Ксилофаг ҳашаротларнинг Blattodea, Coleoptera ва Hymenoptera туркумига мансуб турларининг популяцияси, экологияси, зарар келтириш даражаси юқори ва ўртача бўлган турларга ажратилди.

Олинган натижаларга асосан республикамизнинг урбанлашган ҳудудларида кенг тарқалиб, ёғоч материалларига кучли зарар етказадиган потенциал хавfli ҳисобланган ксилофаг ҳашаротлардан *Anacanthotermes* аводига мансуб туркистон термити (*A. turkestanicus* Jacobs) ва катта каспий орти термитлари (*A. ahngerianus* Jacobs), қўнғизлар (Coleoptera) туркумига мансуб уй пармаловчиси (*Hadrobregmus pertinax* Linnaeus), мебель пармаловчиси (*Anobium punctatum* De Geer), қора уй мўйловдори (*Hylotrupes bajulus* Linnaeus) ва саккиз нуқтали скрипун (*Saperda octopunctata* Scop) қўнғизилари шунингдек пардақанотлилар (Hymenoptera) туркумига мансуб антофора арисси (*Anthophora uljanini* Fedtschenko) каби жами 7 та тури аниқланди.

Мазкур бўлимда республикамизнинг урбанлашган ҳудудларида кенг тарқалиб, ёғоч материалларига жиддий зарар етказадиган ксилофаг ҳашаротларнинг аниқланган ҳудудлари, экологияси, географик тарқалиши ҳамда морфо-биологик хусусиятлари батафсил ёритилган.

Ўзбекистонда илк бор ксилофаг ҳашарот сифатида пардақанотлилар Hymenoptera туркуми, Антофоридлар - Anthophoridae оиласига мансуб, *Anthophora uljanini* Fedtschenko, 1875 тури қайд этилиб, унинг ривожланишининг тухум, личинка ва ғумбаклик даври ёғочда ривожланиши аниқланди (3 - расм).




3 - расм. *Anthophora uljanini* томонидан зарарланган тураар жой (а), зарарланган терак ёғочи ва уя йўлаклари (б).

Шунингдек, диссертациянинг ушбу бобида, ксилофаг ҳашаротларнинг доминант тури ҳисобланган *Anacanthotermes* авлоди термитлари из феромонининг хусусиятлари тадқиқ этилди.

Мазкур тадиқот ишида термитларнинг ишчи табақаларидан стернал беши (қорин деворининг тўртинчи бўлинмасининг ўрта қисми) кесиб олиниб

(4-расм), гексан эритмасида (1 мл эритувчига 50 та без ҳисобида) экстракция қилиш орқали ушбу ҳашаротларда из феромонини аниқлаш юзасидан икки хил усулда яъни Karlson (Karlson et al, 1968) усули ёрдамида ва Y-симон шаклидаги махсус шиша найча ёрдамида тажрибалар амалга оширилган.



4 - расм. *A. turkestanicus* нинг 4-қорин бўлинмаси (стернит) остида жойлашган стернал без (кўрсаткичда). Шкала кўрсаткич = 500 мкм

Термитларда из реакциясининг самарадорлиги ҳаво ҳароратига боғлиқдир (2-жадвал). Ҳавонинг ҳарорати қанчалик баланд бўлса, термитлар жамоаси оила аъзолари қолдирган изларини аниқлаб, бошқаларга эргашиш қобилияти шунчалик кўп намоён бўлади. Бироқ, бундай боғлиқлик маълум бир ҳарорат чегараси 25-26 °С гача амал қилади. Кейинчалик ҳароратнинг янада ошиши (30 °С) билан термитларда из реакциясининг самарадорлиги кескин пасаяди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоиз-ки, нафақат из реакциясининг самарадорлиги, балки ҳашаротларнинг из бўйлаб ҳаракатланиш тезлиги ҳам ҳаво ҳароратига боғлиқ. Термитларнинг экспериментларда махсус беш бурчакли чизик бўйлаб ҳаракатланиш тезлиги ҳаво ҳароратининг ошиши билан кескин ортади. Термитлар 13-15 °С ҳароратда 6-7 дақиқада, 20-25 °С ҳароратда эса 3-4 дақиқада масофадан ўтади. Бироқ, ҳашаротларнинг тартибсиз ҳаракатига ва умуман из самарадорлигининг паст кўрсаткичига қарамай, 30 °С ҳароратда, уларнинг ҳаракатланиши тезлашади ва айрим термитлар тажриба чизигини тахминан бир ярим дақиқа ичида босиб ўтганлиги кузатилди.

2 - жадвал

Термитларда из реакциясининг ҳаво ҳароратига боғлиқлиги

Ҳарорат (°С)	Термитларнинг экспериментал чизикдан ўтиш вақти (мин)	Термит изи реакцияси самарадорлиги (СЕ)	P*
13-14	6-7	0,3±0,30	-
18-20	4-5	3,3±0,30	<0,001
25-26	3-4	6,5±0,52	<0,001
30-31	1-1,5	0,5±0,04	<0,001

* P - олдинги гуруҳга нисбатан фарқларнинг ишончлилиги

Термит из реакциясининг самарадорлиги стернал безлар экстрактининг концентрациясига боғлиқ. Тажрибалар термитларнинг из бўйича ҳаракат қилиш ёки қилмаслигига стернал безлари экстракти миқдорига боғлиқлигини

кўришимиз мумкин (3-жадвал). Феромон таркибли препарат концентрациясининг 10 баробар оширилиши билан термитларнинг тўғри бурчаклардан ўтишлиги 1,5-2 баравар ортади.

3 - жадвал

**Термитларнинг из реакцияси самарадорлигининг
феромон таркибидаги экстракт концентрациясига боғлиқлиги**

Концентрация (тест намунасидаги феромон миқдори)	0,01	0,1	1	10
термит ўтган бурчаклар сони	10,0±0,09	13,8±0,12	27,8±1,22	40,5±1,92

Термитлар из реакциясининг самарадорлиги термитларнинг қайси табақага мансублигига боғлиқ. Ишчи термитларни стернал безлари экстракти аттрактант сифатида қўлланилганда из реакцияси самарадорлиги ишчи термитларда юқори, нимфаларда сустроқ ва энг паст кўрсаткич аскар термитларда намоён бўлган (4-жадвал).

Ҳ-симон шаклидаги найчаларда, шунингдек, Karlson, Lucher, Hummel (1968) аппаратларида ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, *Anacanthotermes* авлодига мансуб 2 та тур: туркистон (*A. turkestanicus* Jacobs.) ва катта каспий орти (*A. ahngerianus* Jacobs.) термитларининг ўз вакили ва бошқа тур ишчиларининг стернал безлари экстракти қўлланилганда из реакцияси натижалари бир хил намоён бўлмади (5 - жадвал).

4 - жадвал

**Из реакциясининг термитларнинг қайси табақага мансублигига
боғлиқлиги**

Термит касталари	Термитлар сони ва фоизи қуйидаги бўйича	
	Стернал без суюқлиги	Эритувчи
Ишчилар	29 (67%)	14 (33%)
Нимфлар	26 (56%)	20 (44%)
Аскарлар	21 (54%)	18 (46%)

5 - жадвал

***A. ahngerianus* Jacobs. ва *A. turkestanicus* ишчи термитлари стернал
безининг экстракти ўзи ва ўзга тур популяциялардаги термитларнинг из
фаоллигига таъсири (n=50)**

Стернал без экстракти	Термитлар сони (дона) ва фоиз ҳисобида			
	<i>A. ahngerianus</i> Jacobs.		<i>A. turkestanicus</i> Jacobs.	
	Стернал без экстракти	эритувчи	Стернал без экстракти	эритувчи
<i>A. ahngerianus</i> Jacobs.	37(74%)	13(26%)	29(58%)	21(42%)
<i>A. turkestanicus</i> Jacobs.	34(68%)	16(32%)	41(82%)	9(18%)

A. ahngerianus Jacobs термитлари *A. ahngerianus* Jacobs. термити стернал безлари экстрактига фаол реакция кўрсатган ҳолда, ўзга тур экстрактига суст реакция кўрсатди. *A. turkestanicus* Jacobs термитлари ўзларининг стернал безлари экстрактига яхши реакция кўрсатган ҳолда, *A. ahngerianus* Jacobs термитлари стернал безларидан тайёрланган феромонларга бундай фаол

реакция кўрсатиши кузатилмади.

Шундай қилиб, термитларнинг кимёвий алоқаларида стернал безлари ажратадиган из феромонлари ҳашаротларни маълум бир траектория яъни из бўйлаб ҳаракатланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Диссертациянинг «*Anacanthotermes* авлоди термитларининг молекуляр генетик таҳлили» деб номланган бешинчи боби 5 бўлимдан иборат. Ушбу бобда *Anacanthotermes* авлодига мансуб *A. turkestanicus* ва *A. ahngerianus* термит турларининг молекуляр генетик таҳлили юзасидан тадқиқот ишлари баён этилган.

Anacanthotermes авлоди термитларини молекуляр генетик усуллар ёрдамида идентификация қилиш юзасидан 2010-2013 йиллар мобайнида республикамизнинг 5 та географик жихатдан ажратилган ҳудудларининг 100 дан ортиқ координаталаридан биологик материаллар йиғилди ва ДНК намуналари ажратиб олинди. Шунингдек, қиёсий солиштириш юзасидан М.В.Ломоносов номидаги МДУ коллекция материалларидан ҳам ДНК намуналари ажратиб олинди.

Мазкур тадқиқот ишимизда бир-бирига яқин турларни солиштириш учун турларни мутацияси ва филогениясига жавоб берадиган 2 та генетик маркердан: ядро ичида транскрипцияланган рДНК генларининг (18S+ITS1+5,8S+ITS2+28S) соҳалари ва митохондриал ДНК ни COI соҳаси фойдаланилди.

Мазкур бобнинг биринчи бўлимида *Anacanthotermes* авлодига мансуб термитларининг рибосомал ДНК соҳасидаги нуклеотидлари таққосланди. Тадқиқотлар натижасида *A. ahngerianus* ва *A. turkestanicus* термитлари намунасида рДНК (18S+ITS1+5,8S+ITS2+28S) соҳасини 613 жуфт нуклеотидлар (ж.н.) кетма-кетлиги ажратиб олинди.

Anacanthotermes авлодига мансуб *A. ahngerianus* ва *A. turkestanicus* турларини ITS соҳасидаги нуклеотидлар бир-бири билан солиштирилганда 67 та нуклеотидлар бўйича ўзаро фарқланишлар борлиги аниқланиб, ўзаро фарқланишлар кўрсаткичи 10,9 % ни ташкил қилишлиги қайд этилди.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлимида *Anacanthotermes* авлодига мансуб термитларининг митохондриал ДНК COX соҳасидаги нуклеотидлари таққосланди. Қиёсий солиштирма тадқиқотнинг мақсадини ҳисобга олган ҳолда, биз геномнинг эволюцион ўзгарувчан ҳудудларини ўрганишни тахмин қилдик. Бунинг учун энг истиқболлиларидан бири бу митохондриал генининг цитохром оксидаза (COI) билан бириккан фрагменти бўлиб, у илгари ДНК штрих кодлаш учун универсал фрагмент сифатида таклиф қилинган ва ҳайвонларнинг турли таксонларида турларни фарқлашда юқори самарадорликни кўрсатган. *Anacanthotermes* авлодига мансуб термит турларидан ва М.В.Ломоносов номидаги МДУ коллекция материалларидан фойдаланган ҳолда, 3 тадан ишчи термитлардан митохондриал ДНК сани COX соҳасидаги нуклеотидлар кетма-кетлигини солиштирилди ва турлар ҳаққонийлиги текширилди. Тадқиқотлар натижасида *A. ahngerianus* ва *A.*

turkestanicus термитлари намунасида мДНК СОХ соҳасини 640 жуфт нуклеотидлар (ж.н.) кетма-кетлиги ажратиб олинди.

A. ahngerianus ва *A. turkestanicus* СОХ соҳасидаги нуклеотидлар бири бири билан солиштирилганда 16 та нуклеотидлар бўйича ўзаро фарқланишлар борлиги аниқланиб, ўзаро фарқланишлар кўрсаткичи 2,5% ни ташкил қилишлиги қайд этилди.

Ушбу ДНК фрагментларини кучайтириш учун биз илгари таклиф қилинган ва мазкур тадқиқот ишида *Anacanthotermes* авлоди термитлари учун махсус ишлаб чиқилган праймерлардан фойдаландик. Олинган фиксацияланган материалдан ДНК ажратилди ва митохондрия COI генининг праймерлари билан кейинги ПЗР тажрибаларида фойдаланилди.

Тадқиқотлар натижасида *A. ahngerianus* ва *A. turkestanicus* термит намунасида мДНК COI соҳасини 674 жуфт нуклеотидлар (ж.н.) кетма-кетлиги ажратиб олинди. *A. ahngerianus* ва *A. turkestanicus* COI соҳасидаги нуклеотидлар бири-бири билан солиштирилганда 18 та нуклеотидлар бўйича ўзаро фарқланишлар борлиги аниқланиб, ўзаро фарқланишлар кўрсаткичи 2,6 % ни ташкил қилишлиги аниқланди.

Мазкур олинган нуклеотидлар кетма-кетлиги NCBI - АҚШ Биотехнология маълумотлари миллий маркази базасига ҳозирги кунга қадар киритилмаган бўлиб, биз томонимиздан *Anacanthotermes* авлоди мансуб термит турларининг рДНК ва мДНК СОХ соҳалари нуклеотидлар кетма-кетлиги илк бор жойлаштирилди (6 - жадвал).


6 - жадвал

NCBI - АҚШ Биотехнология маълумотлари миллий маркази (Genbank) базасига жойлаштирилган маълумотлар

№	Термит турлари	Генлар номи	Инвентар (кириш) рақами
1	<i>A. ahngerianus</i>	мДНК (СОХ)	OK668213
2	<i>A. turkestanicus</i>	мДНК (СОХ)	OK668391
3	<i>A. ahngerianus</i>	рДНК	OK668214
4	<i>A. turkestanicus</i>	рДНК	OL273374

Мазкур бобнинг учинчи бўлимида *Nodotermitidae* оиласига мансуб термит турларини мДНК СОХ соҳаси таҳлили асосидаги филогенетик муносабатлар тадқиқ қилинди. Мазкур тадқиқот ишимизда *Nodotermes* ва *Microhodotermes* авлоди вакиллари ташқи таққослаш гуруҳи сифатида фойдаланилди. Ташқи гуруҳ сифатида олинган термитлар кладограммада ўз ўрнини топди. Ушбу кладограмма тугунининг (узел) анча қисми юқори кўрсаткичли bootstrap-кўмагига эга бўлиб, *Nodotermitidae* филогениясидаги маълум филогенетик алоқалари базаллик даражасида рухсат этилади. Ўрганилаётган *Anacanthotermes* авлод турлари битта ягона гуруҳга бирлашиб, улар *A. ahngerianus*, *A. turkestanicus*, *A. ochraceus*, *A. viarum* авлодларига тегишлилиги аниқланди. Бу тўртта тур ҳаммаси бирлашиб, кладограммада юқори даражадаги bootstrap-кўмакни (94 %) ни ташкил қилди, ҳар бир тур эса алоҳида юқори қийматли bootstrap-кўмакка (97 - 98%) эга бўлди. Шундай қилиб, ўтказилган филогенетик таҳлил шуни кўрсатадики,

Anacanthotermes Jacobson авлоди вакиллари 2 та гуруҳ ҳосил қилди, ташқи гуруҳ сифатида олинган *H. mossambicus* ва *M. viator* турлари ҳам 2 та гуруҳ ҳосил қилиб, (90-98%) яқин қариндошлиги аниқланди (5-расм).



5-расм. Ўхшашлик алгоритми максимал ҳақиқат асосида қурилган Hodotermitidae оиласи турларининг филогенетик дарахти: (1000 bootstrap-такрорлаш). Bootstrap-кўмак қийматлари тегишли тугунларда (узел) кўрсатилган

Мазкур бобнинг тўртинчи бўлими *Anacanthotermes* авлоди турларига хос махсус праймерлар яратишга бағишланган бўлиб, *Anacanthotermes* авлодига мансуб термитларини мДНК ларининг нуклеотидлар кетма-кетлиги аниқлангандан сўнг, BioEdit дастури ёрдамида маълумотлар таҳлили асосида текшириб кўрилди. Бунда нуклеотидлар кетма-кетлигини секвенирлаш жараёнидаги хатоларни ҳисобга олган ҳолда текширилиб, улар тўғриланди ва текисланди. Ҳамма кетма-кетликлар бир йўналишда жамлангач, бир-бири билан таққосланди (кетма-кетликларнинг қиёсий таҳлили ўтказилди) ва бунда олинган намуналарни бир биридан фарқланувчи (*A. ahngerianus* ва *A. turkestanicus* турлари) нуклеотид алмашувлар (мутациялар) аниқланди. Навбатдаги босқич - юқоридаги турларни (намуналар) идентификация қилишга имкон берувчи махсус праймерлар дизайнини яратишдан иборатдир.

Anacanthotermes авлоди учун махсус праймерлар яратишда махсус (<https://www.ncbi.nlm.nih.gov/tools/primer-blast>) сайтдан фойдаланилди ва СИНТОЛ компаниясида (Москва, Россия) синтезланди.

Янги яратилган праймерларни текшириш мақсадида Республикамизнинг турли вилоятларидаги йиғилган *Anacanthotermes* авлодига мансуб термит турлари ва М.В.Ломоносов номидаги МДУ коллекция материалларидан фойдаланиб турлардан ажратилган геном ДНКсини ушбу праймерлар асосида амплификация қилинди.

Тадқиқот натижаларига кўра, *Anacanthotermes* авлоди учун янги праймер *A. ahngerianus* ва *A. turkestanicus* турларини ўқиганлиги, *Hodotermes* авлодига мансуб *H. mossambicus* турини эса ўқимаганлиги яъни мос тушмаганлиги қайд қилинди.

Шундай қилиб, *Anacanthotermes* авлодига хос бўлган праймерлар 5`GAACATCTTAAAGCATACTTATCCG3` ва 3`GCTAGTATTGCGAAGATTATTCCTA5` ҳисобланади ва келгусида *Anacanthotermes* авлоди вакиллари ПЗР диагностикаси ишларида қўллаш мумкин.

Мазкур бобнинг бешинчи бўлимида *Anacanthotermes* авлодига мансуб термит турларини ферментатив реакцияси ўрганилди. Олиб борилган ферментатив реакцияларни текшириш мақсадида COI соҳасига тегишли нуклеотидлар кетма-кетлиги секвенерланди ва биоинформатик дастурлар ёрдамида нуклеотидлари таҳлил қилинди (7-жадал).

7 - жадвал

Республикамиз вилоятларидан йиғилган *Anacanthotermes* авлодига мансуб термит турларини нуклеотидлари кетма - кетлиги ўртасидаги фарқланишлар

№	ДНК намуна рақами	Термит турлар номи	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	4	<i>A_ahngerianus</i> Beruniy	-	0,0	2,6	2,6	2,6	2,6	2,6	2,6	2,6	2,6	2,6	2,6	2,6
2	5	<i>A_ahngerianus</i> Xorazm	0	-	2,6	2,6	2,6	2,6	2,6	2,6	2,6	2,6	2,6	2,6	2,6
3	6	<i>A_turkestanicus</i> Buxoro	18	18	-	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
4	58	<i>A_turkestanicus</i> Samarqand	18	18	0	-	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
5	96	<i>A_turkestanicus</i> Jizzax	18	18	0	0	-	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
6	94	<i>A_turkestanicus</i> Guliston	18	18	0	0	0	-	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
7	73	<i>A_turkestanicus</i> Toshkent	18	18	0	0	0	0	-	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
8	79	<i>A_turkestanicus</i> Namangan	18	18	0	0	0	0	0	-	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
9	82	<i>A_turkestanicus</i> Andijon	18	18	0	0	0	0	0	0	-	0,0	0,0	0,0	0,0
10	85	<i>A_turkestanicus</i> Farg`ona	18	18	0	0	0	0	0	0	0	-	0,0	0,0	0,0
11	67	<i>A_turkestanicus</i> Termiz	18	18	0	0	0	0	0	0	0	0	-	0,0	0,0
12	78	<i>A_turkestanicus</i> Qamashi	18	18	0	0	0	0	0	0	0	0	0	-	0,0
13	7	<i>A_turkestanicus</i> Nurota	18	18	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	-

Изоҳ: 3-жадвалда митохондриал ДНК сени COI соҳасининг 674 жуфт нуклеотидлари ўртасидаги фарқланишлари келтирилган

Олиб борилган ферментатив реакция натижаларига кўра, шуни хулоса қилиш мумкинки, фойдаланилган праймер ва эндонуклеаза рестриктазаси *NotI* (III) – GG/CC лардан келгусида морфологик ва морфометрик тадқиқотларсиз, ПЗР натижасида *Anacanthotermes* авлодига мансуб термит турларини бир-биридан идентификация қилиш имконини беради.

Шундай қилиб, молекуляр генетик тадқиқотлар натижасида *Anacanthotermes* авлоди термитлари рибосомал ДНК ва митохондрия COI генида молекуляр генетик усул билан иккита асосий гаплотип аниқланди, улар *Anacanthotermes* авлод термитларининг иккита турига мансуб: *A. turkestanicus* ва *A. ahngerianus*. Республикамизнинг турли вилоятларидан термит намуналари йиғилган жойлари тўлиқ таҳлил қилганда, бу икки гаплотип республика ҳудудида бир текисда тарқалмаганлиги аниқланди. Биринчи *A. turkestanicus* Яс. турининг тарқалиш ҳудуди етарлича кенг ва Ўзбекистоннинг Шимолий-Шарқий (Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари); Шарқий (Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари); Марказий (Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари) ва Жанубий (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари) ҳудудини эгаллайди. Иккинчи *A. ahngerianus* тури фақат республиканинг шимоли-ғарбий қисмида (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти) учраши қайд этилди. *Anacanthotermes* авлоди термитлари турларининг морфологик хусусиятлари ва генетик хусусиятлари бўйича олиб борилган мазкур тадқиқот иши натижалари турларни молекуляр генетик белгилар бўйича таниб олиш имконини беради ва маълум бир генетик гуруҳга тегишли намуналарда, ишончли диагностик морфологик белгиларни излашга асос яратади.

Диссертациянинг олтинчи боби «**Ёғоч турларининг ксилофаг ҳашаротлар томонидан зарарланишига чидамлилик даражасини тадқиқ этиш**»га бағишланган бўлиб, унда ёғочнинг ксилофаг ҳашаротларга нисбатан чидамлилигида унинг физик ва кимёвий хусусиятларининг аҳамияти юзасидан батафсил маълумотлар келтирилган.

Мазкур тадқиқот ишида ксилофаг ҳашаротлар зарарига бардошлилик даражасини турли хилдаги ёғоч турларининг (тол, терак ва қарағай) зичлигини қиёсий таҳлил қилиниб, унинг зичлиги ва ҳашаротлар зарарига чидамлилиги ўртасида боғлиқлиги ўрганилди.

Қурилишда қўлланиладиган ёғочларда уларнинг туридан қатъий назар, *Hylotrupes bajulus* Linnaeus, 1758 қора уй мўйловдор кўнғизлар томонидан зарарланишига чидамлилик даражаси ёғочнинг намлик даражасига кўра боғлиқлиги аниқланди. Сурхондарё вилоятида аҳоли турар жой бинолари ва бошқа қурилиш объектлари ҳамда тарихий обидаларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, ҳатто уйларда ёғоч намлигининг ортиши ҳам *Hylotrupes bajulus* Linnaeus, 1758 қора уй мўйловдорининг личинкалари томонидан зарарланишига олиб келади (8-жадвал).

Қора уй мўйловдори (*Hylotrupes bajulus*) кўнғизи томонидан турар жой биноларини қуришда фойдаланиладиган ҳар хил турдаги ёғочларнинг зарарланиши

№	Ёғоч намлиги	Ўрганилган объектлар сони	Ҳар-хил турдаги ёғоч		
			Қарағай	Тол	Терак
1	Юқори намлик (> 20%)	43	Зарарланган	Зарарланган	Зарарланган
2	нормал чегараларда намлик (12%)	22	Зарарланмаган	Зарарланмаган	Зарарланмаган

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, маҳаллий дарахт турлари термитлар учун озика сифатида устивор ҳисобланади. Мўйловдор кўнғиз учун эса, намликнинг юқори (20% дан ортик) бўлиши аҳамиятли ҳисобланади. Ёғочнинг физик кўрсаткичларининг таъсирини аниқлаш учун ўтказилган тажрибалар ёғочларнинг ксилофаглар томонидан зарарланишида намликнинг аҳамияти муҳим эканлигини кўрсатди. Мўйловдор кўнғиз личинкалари намлик даражаси юқори бўлган ёғочда яхши ривожланади ва тухум қўйиш учун кўнғизларга қулай муҳит ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қурилган ёғоч, тахта ва бошқа қурилиш материаллари мўйловдор кўнғиз личинкалари томонидан камроқ шикастланади.

Хулоса қилиб айтганда, ёғочнинг ксилофаг ҳашаротлар томонидан зарарланишига чидамлилигини белгиловчи омил унинг зичлиги ва намлиги ҳисобланади. Қурилиш материали сифатида фақат намлиги 10% дан кам бўлган қуруқ терак ва тол ёғочларидан фойдаланиш мумкин. Турар жой биноларини қуришда зичлиги 540 кг/м^3 дан юқори бўлган ёғочдан фойдаланиш тавсия қилинади.

Шунингдек мазкур бобда ёғочнинг ксилофаг ҳашаротлар зарарига чидамлилик даражаси унинг кимёвий таркибига боғлиқ эканлиги ўрганилди. Ёғочнинг ксилофаглар томонидан зарарланишига чидамлик даражасида эфир ажратадиган моддалар миқдори муҳим аҳамиятга эга. Игнабаргли дарахтлар таркибида эфир ажратадиган моддалар миқдори кенг япроқли дарахтларга қараганда кўп миқдорни ташкил қилади. Амалда, терак ва тол каби кенг япроқли дарахтларнинг ксилофаглар томонидан зарарланиши кўп учрайди. Кимёвий таркиби бўйича турлича бўлган, игнабаргли дарахтлар (қарағай, қорақарағай) ва маҳаллий кенг япроқли дарахтлар (терак, тол)нинг ксилофаг ҳашаротлар томонидан зарарланишига чидамлилигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Олиб борилган тажриба натижаларига кўра, ёғоч қипиғи намуналарининг термитлардан зарарланиши қуйидагича: Тол қипиғи – 72,1%, Терак қипиғи – 79,4% ва Қарағай қипиғи – 17,9 % даражада қайд

